

Нурул яқин (тўлиқ китоб)

14:22 / 15.03.2017 13519

...Пайғамбар алайҳис-саломда бу одамларни зўрлаб исломга олиб кирадиган куч-қудрат, уларни ота-она, мол-мулкларидан воз кечишга мажбур қиладиган фавқулодда бирон восита ҳам йўқ эди. Аксинча Абубакр, Умар, Усмон, Холид ибн Саидга ўхшаганлар бой-бадавлат, қўлини қаёққа узатса етадиган обрў-эътиборли зотлар эди. Исломга кирган қуллар эса расулуллоҳга эргашиб, ўзларини баттар хор-зорликка, ададсиз зулмга гирифтор этишди, агар ўз ҳожаларининг измидан чиқишмаса, тинчгина тирикчилигини ўтказаверишарди. Улар Оллоҳнинг ҳидояти туфайли нотўғри йўлдан қайтдилар, адашиб-улоқиб юришганларини англаб расулуллоҳ кўрсатган ёруғликка талпиндилар, гарчанд кўплари азоб-уқубатларга учраган бўлсалар-да, қалблари ислом нури билан мунаввар бўлиб, Оллоҳнинг розилигига эришдилар.

[китобнинг тўлиқ матнини юклаб олиш учун босинг](#)